



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT AKTIVLARINI
BOSHQARISH AGENTLIGINING
YAGONA AKSIYADOR (ISHTIROKCHI) Q A R O R I**

2021 yil "10 " июнь

№ 30/08-қр

Toshkent sh.

**“Навоий ЭИЗ Дирекцияси” акциядорлик жамиятининг 2020 йил якуни
бўйича молия-хўжалик фаолиятини кўриб чиқиш тўғрисида**

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 58-моддасига мувофиқ қабул қилинди. Кун тартибига киритилган масалалар “Навоий ЭИЗ Дирекцияси” АЖ кузатув кенгашининг 2021 йил 24 майдаги 2-сон мажлис баёни билан кўриб чиқилган.

1. “Навоий ЭИЗ дирекцияси” АЖнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолияти якуни юзасидан бош директори ҳисоботини тасдиқлаш.

2. “Навоий ЭИЗ дирекцияси” АЖ кузатув кенгашининг 2020 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.

3. “Навоий ЭИЗ дирекцияси” АЖнинг 2020 йил фаолияти якунлари бўйича тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.

4. “Навоий ЭИЗ дирекцияси” АЖнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик ташкилотининг ҳисоботини кўриб чиқиш.

5. “Навоий ЭИЗ дирекцияси” АЖнинг 2020 йил учун йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботларини тасдиқлаш.

6. “Навоий ЭИЗ дирекцияси” АЖнинг 2020 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш, дивидендларни тўлаш шакли ва муддатларини белгилаш.

7. “Навоий ЭИЗ дирекцияси” АЖ ижроия органи раҳбари (бош директори)нинг ваколатини узайтириш тўғрисида.

8. “Навоий ЭИЗ дирекцияси” АЖнинг ижро аппарати ташкилий тузилмасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 апрелдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тузилмасини мақбуллаштириш ва штат бирликлари сонини қисқартириш тўғрисида”ги ПҚ-5053-сонли Қарори талабларига мақбуллаштириш тўғрисида.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан:

“Навоий” ЭИЗ Дирекцияси” АЖнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолияти якуни юзасидан жамият бош директори Х.Абдуллаевнинг ҳисоботи кўриб чиқилди (ҳисобот илова қилинади).

7800000

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан қуйидагича **қарор қабул қилинди:**

1.1. “Навоий ЭИЗ Дирекцияси” АЖнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолияти якуни юзасидан жамият бош директори ҳисоботи 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:

“Навоий ЭИЗ Дирекцияси” АЖ кузатув кенгашининг 2020 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича ҳисоботи кўриб чиқилди (ҳисобот илова қилинади).

Кузатув кенгаши йиғилишлари кенгаш томонидан тасдиқланган кенгаш аъзоларининг 2020-2021 йилларда олиб бориладиган ишлари юзасидан белгиланган “Иш режаси” асосида ўтказилди.

Кузатув кенгаши йиғилишларида жамият раисининг чорак натижалари бўйича молия-хўжалик ҳисоботлари, 2020 йил учун ишлаб чиқилган жамият бизнес-режаси кўрсаткичларини бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботлари, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботлари тингланган, ушбу ҳисоботлардан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилинган камчиликлар юзасидан корxonанинг молиявий аҳволини соғломлаштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган, аниқ кўрсатмалар берилиб ва уларнинг бажарилиши бўйича доимий назорат қилиб борилган.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан қуйидагича **қарор қабул қилинди:**

2.1. “Навоий ЭИЗ Дирекцияси” АЖ кузатув кенгашининг 2020 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича ҳисоботи 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан:

“Навоий ЭИЗ Дирекцияси” АЖнинг 2020 йил фаолияти якунлари бўйича тафтиш комиссиясининг ҳисоботи (ҳисобот илова қилинади) тақдим этилди (*мазкур ҳисобот кузатув кенгашининг 2021 йил 24 майдаги йиғилишида кўриб чиқилиб, кузатув кенгаши томонидан маъқулланган*). Ҳисоботда, тафтиш комиссияси аъзолари томонидан жамият фаолияти текширилганда бирон бир қонунбузилиш ёки ҳисобот бериш қоидаларининг бузилишлари аниқланмаганлиги қайд этилган.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан қуйидагича **қарор қабул қилинди:**

3.1. “Навоий ЭИЗ Дирекцияси” АЖнинг 2019 йил фаолияти якунлари бўйича тафтиш комиссиясининг ҳисоботи 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан:

Йиғилиш қатнашчиларига жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича жамият ташқи аудиторининг хулосаси таништирилди.

“Навоий ЭИЗ Дирекцияси” АЖнинг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича молиявий ҳисоботларини миллий аудит стандарти бўйича аудитдан ўтказиш “AGROTANLIL” МЧЖ (23.01.2020 йилдаги 00840-сонли лицензия, аудитор Ю.Шарипов 21.12.2013 йилдаги 05170-сонли сертификатга эга) аудиторлик ташкилоти томонидан амалга оширилган.

“AGROTANLIL” МЧЖ нинг 2021 йил 20 апрельдаги 02/56-21-сонли хулосасига кўра, “Навоий ЭИЗ Дирекцияси” АЖ томонидан 2020 йил давомида амалга оширилган барча молиявий операциялар Республикамизда белгиланган

қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келиши кўрсатилган ҳамда ижобий хулоса берилган (хулоса илова қилинади, 4-илова).

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан қуйидагича **қарор қабул қилинди:**

4.1. “Навоий ЭИЗ Дирекцияси” АЖнинг 2020 йил молиявий-ҳўжалик фаолияти якуни бўйича молиявий ҳисоботларини миллий аудит стандарти бўйича аудит текширувидан ўтказган “AGROTANLIL” МЧЖ хулосаси 4-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан:

“Навоий ЭИЗ Дирекцияси” АЖнинг 2020 йил учун йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботлари кўриб чиқилди (ҳисобот илова қилинади). *Мазкур ҳисобот кузатув кенгашининг 2021 йил 24 майдаги йиғилишида маъқулланган.*

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан қуйидагича **қарор қабул қилинди:**

5.1. “Навоий ЭИЗ Дирекцияси” АЖнинг 2020 йил учун йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан:

“Навоий ЭИЗ Дирекцияси” АЖнинг 2020 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш, дивидендларни тўлаш шакли ва муддатларини белгилаш кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.04.2021 йилдаги 79-сонли мажлис баёнининг 1-бандида (шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 12.05.2021 йилдаги 01/07-2-17-733-сон хатига асосан) устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахсларнинг 2020 йил якуни бўйича олинган соф фойдасининг 75 фоизини дивидендга йўналтириш тўғрисида акциядорлар умумий йиғилиши қарорларини қабул қилиш ва давлат улуши бўйича дивидендларни бюджетга йўналтирилишини таъминлаш белгиланган.

“Навоий ЭИЗ Дирекцияси” АЖ кузатув кенгаши томонидан (24.05.2021 йилдаги 2-сонли баённома) 2020 йил якуни бўйича олинган **22 701,98 минг сўм** миқдордаги соф фойдани қуйидагича тақсимлаш таклиф этилган:

- 17 026,49 минг сўм ёки 75 фоиз - дивиденд тўловига йўналтириш;
- 1 135,10 минг сўм ёки 5 фоиз - захира фондига йўналтириш
- 4 540,40 минг сўм ёки 20 фоиз - инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармасига йўналтириш.

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан қуйидагича **қарор қабул қилинди:**

6.1. “Навоий ЭИЗ Дирекцияси” АЖ томонидан 2020 йил якуни бўйича олинган **22 701,98 минг сўм** миқдордаги соф фойда қуйидагича тақсимлансин:

- 17 026,49 минг сўм ёки 75 фоиз - дивиденд тўловига йўналтириш;
- 1 135,10 минг сўм ёки 5 фоиз – захира фондига йўналтириш
- 4 540,40 минг сўм ёки 20 фоиз – инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармасига йўналтирилсин.

Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан:

Кузатув кенгаши аъзоларига “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 79-моддаси ва жамият Устави талабларига асосан жамият бош директори акциядорлар умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланиши, бош директорни сайлаш чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида амалга оширилиши белгиланган.

Хабиб Пулатович Абдуллаев номзоди Вазирлар Маҳкамаси билан (24.01.2020й. №24/1-4700) келишилиб, кузатув кенгашининг (24.02.2020 йилдаги 6-сон) қарори билан жамият бош директор лавозимига тасдиқланган.

Жамият томонидан 2020 йил 2-чорак якуни (Давктив агентлиги Навоий вилояти ҳудудий бошқармасининг 2020 йил 11 августдаги 01/02-2053-сон таҳлил хати), 2020 йил 3-чорак якуни (Давактив агентлигининг 2020 йил 2 декабрдаги 5749/03-09-сон таҳлил хати), 2020 йил якуни (Давактив агентлигининг 2021 йил 27 мартдаги 131/08-01-сон таҳлил хати) бўйича, яъни кетма кет 3-чорак якунлари бўйича соф фойда кўрсаткичи бажарилмаган.

Лекин, жамият кузатув кенгашининг 2021 йил 24 майдаги 2-сон йиғилиш баёнида жамият бош директори Х.П. Абдуллаев билан тузилган меҳнат шартномасини 1 (бир) йилга узайтириш таклиф этилган.

Жамиятда бизнес-режа кўрсаткичларини кетма-кет икки чорак мобайнида бажарилмаганлиги сабабли Х.П.Абдуллаев билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш таклиф этилади. Бунда, ушбу лавозимга танлов ўтказиш ҳамда танлов натижаларини Вазирлар Маҳкамаси билан келишгунга қадар жамият директор ўринбосарларидан бирига вазифани вақтинча бажаришни юклаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан қуйидагича **қарор қабул қилинди:**

7.1. Жамиятда бизнес-режа кўрсаткичларини кетма-кет икки чорак мобайнида бажарилмаганлиги сабабли Х.П.Абдуллаев билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилинсин.

7.2. “Навоий ЭИЗ Дирекцияси” АЖнинг Кузатув кенгаши белгиланган тартибда жамият ижроия органи раҳбари (бош директори) лавозимига танлов ўтказсин ҳамда танлов натижаларини Вазирлар Маҳкамаси билан келишгунга қадар жамият директор ўринбосарларидан бирига бош директор вазифасини вақтинча бажариш юклатилсин.

Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тузилмасини мақбуллаштириш ва штат бирликлари сонини қисқартириш тўғрисида” 2021 йил 3 апрелдаги **ПҚ-5053-сон қарор**нинг 6-бандида устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқни ташкил этувчи хўжалик жамиятлари акциядор (иштирокчи)лар умумий йиғилишида, шунингдек, давлат корхоналари бошқарув органларида камида **бир нафардан ўринбосари** лавозимларини қисқартириш, шунингдек, бошқарув ходимлари сонини **10 фоиз миқдорида мақбуллаштириш** ташаббуси билан чиқиш белгиланган.

Жамиятда жами 47 та штат бирлиги, шундан 26 таси бошқарув ходимлари ҳисобланади. “Навоий ЭИЗ Дирекцияси” АЖ кузатув кенгаши томонидан

(19.04.2021 йилдаги 1-сонли баённома) тасдиқланган штат бирлиги бўйича жамият директори ўринбосари сифатида 1 нафар технопарк раҳбари лавозими, бошқарув ходимлари штат бирлигидан 1 нафар IT-хизматлар маркази менеждери ва 1 нафар администрациялаш бўйича менежер лавозимлари ҳозирги кунда бўш эканлиги сабабли, ушбу лавозимларни қисқартиш мақсадга мувофиқ.

Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан қуйидагича **қарор қабул қилинди:**

8.1. Жамиятнинг 1 нафар технопарк раҳбари лавозими, бошқарув ходимлари штат бирлигидан 1 нафар IT-хизматлар маркази менеждери ва 1 нафар администрациялаш бўйича менежер лавозимлари қисқартирилсин.

8.2. Жамиятнинг янгиланган ижро аппарати ташкилий тузилмаси 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.


8.3. Жамият бош директори в.в.б. янгиланган ташкилий тузилмасидан келиб чиққан ҳолда жамиятнинг штатлар жадвалига ўзгартиришлар киритсин.

**Давлат активларини бошқариш
агентлиги директори**


А. Ортиков

6 члова

“Навобий” эркин иқтисодий зона дирекцияси” АЖ ижро аппарати тузилмаси



Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони – 44 нафар.

• Хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар сони ўриятилган нормативларга мувофиқ белгиланади.

•• Бош директор тасдиқланган бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони доирасида ўзгартриришлар киритишга ҳақлидир.